

**Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизим корхоналарида  
2024 йилнинг 1 ярим йиллик давомида коррупцияга қарши курашиш  
соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида**  
**ҲИСОБОТ**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига 2024 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширадиган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда мазкур ҳужжат доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида мазкур Дастурдаги 17 та тадбирлар белгиланган муддатларда амалга оширилган, 18 та тадбир бажарилиши доимий амалга ошириб келинмоқда.

Коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларга ва қонун ҳужжатларига қатъий амал қилишга доир бевосита Кон-геология вазири томонидан 1 та тадбир ўтказилди ва унда тизим корхоналарида мазкур соҳадаги камчиликлар қайд этилди ва тегишли топшириқлар берилди. Жумладан, 2024 йил 6 январь куни бевосита Вазир бошчилигига барча тармоқ корхоналарининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида тизимда коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид масалалар кўриб чиқилган (баён №01-24).

Бундан ташқари, 2024 йил 9 март куни “Халқ сўзи” газетасининг 51-сони, 3-саҳифасида Кон-геология вазири Б. Исламовнинг “Аниқ мақсад, пухта режалар ва фаол инвестиция сиёсати” мавзусидаги мақоласида соҳада коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги маълумотлари чоп этилган.

Ҳисобот даврида вазирнинг биринчи ўринbosари О. Насритдинходжаев Вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида ўз чиқишлари, вазир маслаҳатчиси М. Пирожков томонидан 3 та тадбир давомида мазкур соҳадаги амалга оширилаётган ишлар қайд этилиши билан бирга, ходимларнинг мазкур соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга доир семинар ўтказилди.

Кон-геология вазирлигига коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ишонч телефоны ва телеграм бот канали тўғрисидаги маълумотлар тизим корхоналарининг ахборот ресурслари орқали оммалаштрилди, расмий веб сайтида эса “Коррупцияга қарши курашиш” бўйича алоҳида сахифасида соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ва янгиликлар ёритилмоқда.

Бугунги кунда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизимости корхоналари - “Олмалиқ КМК”, “Навоий КМК”, “Ўзбекгеофизика”, “Ўзбек геология қидрув”, “Ўзметкомбинат” “Ўзбеккўмир”, “Шарғункўмир” АЖлари “Регионалгеология”, “Навоийуран” ДК, “Ўзбекгидрогеология”, “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ, “Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети”, “Геология фанлар университети”, “Гидрогеология ва мухандислик геологияси институти”, “Минерал ресурслар институти”, “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” давлат муассасаларида коррупцияга қарши Ички назорат бўлимлари очилган ва жами 30 га яқин масъул ходимлар фаолият юритиб келмоқда.

Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сонли қарори талабларига мувофиқ 2023 йил рейтинг баҳолаш якунлари бўйича Кон-геология вазирлиги

95 та давлат органи ва ташкилотлари ичидаги **94 балл тўплаган ҳолда**, Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги “яхши” деб баҳоланиб **1-ўринни** кўлга киритди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ қўйидаги ишлар амалга оширилди.

## **1. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат ва тартиб-таомиллар.**

Ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички меъёрий хужжатлар ва тартиб-қоидалар, яъни “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Одабахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати” каби соҳага оид 20 дан ортиқ ички меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, Тўплам сифатида нашр қилинди ва ўрнатилган тартибда барча ходимларга таништириш ва тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридаги барча ички меъёрий хужжатлар электрон тарзда ахборот олиш учун Вазирликнинг ички тармоғи ва расмий-веб сайтида жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида коорупциявий хавф-хатари “юқори” бўлган функцияларни пасайтириш бўйича қўйидаги ички меъёрий хужжатлар қабул қилинди:

- 2024 йил 29 январь куни 11-сон буйруқ билан “Геология-қидирав ишлари самарадорлигини ошириш тартиби”;

- 2024 йил 26 январь куни 7<sup>A</sup>-сон буйруқ билан “Кон-геология вазирлигининг эксперт-таҳлил гуруҳини рағбатлантириш тартиби”;

- 2024 йил 10 апрель куни “Кон-геология вазирлигининг Минерал хомашё базасини ривожлантириш йиллик Давлат дастури доирасида лойиҳалар кесимида бажарилган геология-қидирав ишлари далолатномаларини тўловга қабул қилиш бўйича Йўриқнома”;

- 2024 йил 6 июнь куни 67-сон буйруқ билан “Кон-геология вазирлиги марказий аппаратининг илмий даражага эга ходимларига қўшимча хақ тўлаш (устама) тартиби тўғрисида Низом” тасдиқланди.

Шу билан бирга, “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати” ва “Хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш сиёсати” талабларини ходимларга етказиш мақсадида презентация материаллари ҳамда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги” Конун талабларини ёритувчи буклетлар тайёрланди.

## **2. Тизимда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилди.**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига тасдиқланган “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” талаблари асосида коррупциоген омилларни барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш мақсадида Вазирликнинг барча ходимлар томонидан йилига бир марта манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шакли (декларация) тўлдирилиши белгилаб қўйилган. Шу мақсадда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ижро аппаратининг жами **148 та** ходимлари 2024 йил учун манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шаклини (декларация) тўлдиришди.

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар кўриб чиқилганда, декларация тўлдирган 148 нафар ходимлардан 13 тасида эҳтимолий ва 1 та ходимда ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолат қайд этилди. Вазирликда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайт ва телеграм канлида ёритилди.

2024 йилнинг 13 май куни вазирликда манфаатлар тўнашувини тартибга солиш ҳамда олдини олиш мақсадида 61-сон буйруги қабул қилинди.

Тизим ости корхоналари – “Олмалиқ КМК”, “Навоий КМК”, “Ўзбекгеофизика”, “Ўзбек геология қидрув”, “Ўзметкомбинат” “Ўзбеккўмир”, “Шарғункўмир” АЖлари “Регионалгеология”, “Навоийурен” ДК, “Ўзбекгидрогеология”, “Ер қаъридан фойдаланиш маркази”, “Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети”, “Геология фанлар университети”, “Гидрогеология ва мухандислик геологияси институти”, “Минерал ресурслар институти”, “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат муассасаларида ҳамда бошқа тизимости корхоналари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида декларациялар тўлдирилган ва ҳозирда қисман таҳлил қилинган, жараён давом этмоқда.

Таҳлил натижасига кўра 15 та тизимости корхоналарида **57184** нафар ходимлари томонидан декларацияланиши натижасида **63 та** масъул ходимларда манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги аниқланди ва мазкур ҳолатларни олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда (*бошқа лавозимга ўтказиши, бевосита буйсинувни ўзгартириши, тадбиркорлик субъектларида раҳбар лавозимлардан ёки ўз улушидан воз кечии ва ҳ.к.*). “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун талабларини ходимларга етказиш мақсадида жорий йилнинг 4 июль куни семинар ташкил этилди ва ходимлар ўртасида тушунтириш ишлари амалга оширилди.

### **3. Кон-геология вазирлиги ва тизимости корхоналарида коррупциоген хавф-хатарларни баҳолаш натижалари.**

Кон-геология вазирлигида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни олдини олиш ва чек қўйиш, коррупция оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатга имкон берувчи барча сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида Вазирлик ижро аппаратидаги барча лавозимлар ва функциялар таҳлил қилиниб, коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар асосида Кон-геология вазирлигида коррупциоген хавф-хатарлар харитаси тузилди.

Унга кўра, Кон-геология вазирлигининг 25 та фунцияларида коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги, шундан 6 тасида коррупция хавф-хатари “Юқори” бўлган лавозимлар, 16 тасида “Ўрта”, 3 тасида “Паст” даража қайд этилган.

Бу йўналишдаги ишлар алоҳида Иш режа асосида давом эттирилиши бегиланди ва Вазирликнинг коррупциоген хавф-хатарига энг қўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилиб, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари ишлаб чиқилди ва масъул ижрочилар ва тадбирлар муддатлари белгиланди.

Мазкур жараёнларни барчаси “E-anticor.uz” электрон платформасига юкланды.

Тизим ости корхоналари – “Навоий КМК”, “Олмалиқ КМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккўмир”, “Шарғунқўмир”, “Ўзбек геология қидириув”, “Ўзбекгеофизика” АЖлари, “Ўзбекгидрогеология”, “Ер қаъридан фойдаланиш маркази”, “Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети”, “Геология фанлар университети”, “Минерал ресурслар институти”, “Геология ва геофизика институти”, “Гидрогеология ва мухандислик геологияси институти”, “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидириви институти” ДМларида коррупциоген хавф-хатарларни баҳолаш жараёни амалга оширилиши натижасида жами 1387 та функциялар баҳоланиб, шундан 150 таси “юқори”, 225 таси “ўрта” ва 1012 таси “паст” даражада қайд этилган.

Хозирги кунда юқоридаги тизимости корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

#### **4. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига харидларни ташкил этиш соҳасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилган.**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2024 йилнинг 1 июль ҳолатига жами **5,3 млрд. сўмлик** жами **135 та** шартномалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори талаблари асосида расмийлаштирилган (*2023 йил шу даврда 4,3 млрд. сўмлик жами 115 та шартномалар расмийлаштирилган*).

Шулардан **84 та** харид (*614,8 млн. сўм*) электрон дўкондан, **1 та** (*65,0 млн. сўм*) кооперация портали орқали, **50 та** (*4,7 млрд. сўм*) шартномалар ягона етказиб берувчилар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори талаблари асосида имзоланган.

Давлат харидларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги ПФ-6313-сон Фармони З (в)-банди ҳамда “Кон-геология вазирлиги билан тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш Сиёсати” талабларига мувофиқ ҳар бир шартномага коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча огоҳлантириш бандлари киритилган;

- тузилаётган шартномаларни ташаббускор томонидан контрагентларни ўрганиш орқали унинг ишончлилиги, молиявий барқарорлиги, давлат амалдорлари билан алоқадорлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текшириш орқали юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш бўйича ишлар тўғридан тўғри тузилган **6 та** шартномаларда амалга оширилган ва тегишли хulosалар тақдим этилган;

- Кон-геология вазирлигига давлат харидлари жараёнида манфаатлар тўқнашувини олдни олиш мақсадида **34 та** ходимларнинг яқин қариндошларига тегишли бўлган **47 та** тадбирорлик субъектлари рўйхати шакиллантирилди ва харидларни амалга оширишда мазкур рўйхатдан биринчи навбатда текшириш тартиби йўлга қўйилди;

- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасида “Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очик ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли

манбалардан фойдаланиш” талаби бажарилмоқда. Натижада ҳисобот даврида **30,0 млн.** сўмдан ортиқ вазирлик маблағлари тежалишига олиб келган.

20 та тизимости корхоналари томонидан 2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига жами **21 690** та шартномалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори талаблари асосида тузилган.

Шундан, тўғридан тўғри ягона етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар **1824** тани ташкил этади ва уларга коррупцияга қарши қурашиб бўйича қўшимча огоҳлантириш бандлари киритилмоқда. Мазкур тузилаётган шартномаларни ташаббускор томонидан контрагентларни ўрганиш орқали унинг ишончлилиги, молиявий барқарорлиги, давлат амалдорлари билан алоқадорлиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текшириш орқали юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш бўйича ишлар **818** та шартномаларда амалга оширилган ва тегишли хулосалар тақдим этилган.

### **5. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва тизим ости корхоналарида ишга қабул қилиш жараёни амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ва меҳнат муносабатларида амалдаги қонунчилик бузилиш ҳолатлари.**

Мазкур йўналишда коррупциоген омилларни бартараф этиш мақсадида Вазирлик бўш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда расмий веб-сайтга ва Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг “vacancy.uz” сайтида бериб борилмоқда. Ҳисобот даврида 4 та лавозимга фуқароларни ишга олиш очиқ танлов ва “Argos” тизими орқали тест синовлари амалга оширилган ҳамда ўтказилган синов тадбирларини Интернет орқали реал вақт режимида кузатиш таъминланган.

Шу билан бирга, “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома” асосида **4** та номзод ўрганилган ва тегишли хулосалар берилган.

Вазирликнинг коррупцияга қарши сиёсати талаблари асосида ходимларнинг меҳнат шартномасига коррупцияга қарши қўшимча огоҳлантириш бандлари киритилмоқда ва қайта имзоланмоқда.

Меҳнат муносабатларида қонун бузилиш ҳолатларини ва алоқа каналлари орқали юборилган мурожаатларни ўрганиш мақсадида ҳисобот даврида вазирлик томонидан **3** та хизмат суриштируви ўтказилган, натижалари бўйича тегишли хулосалар тайёрланган ва тегишли чора-тадбирлар кўрилган.

Ҳисобот даврида тизим ости корхоналари томонидан жами 233 та хизмат суриштирувлари ўтказилган. Мазкур тадбир натижасида тизимости корхоналарида аниқланган ҳолатлар юзасидан хуқуқ-тартибот органларига жами **106** та ҳужжатлар тўплами тақдим этилган, улар томонидан **7** та жиноят (“Ўзметкомбинат” АЖ 4 та, “Регионалгеология” ДК 2 та, “Навоийурон” ДМ 1 та) ишлари қўзғатилган, ички меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган тизимости корхоналарининг **206** та ходимига интизомий жазо қўлланилган ва **21** та ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Хизмат текшируви натижасида аниқланган камчиликларни кейинги даврларда такрорланишини олдини олиш мақсадида ҳар бир тизим ташкилоти

томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва профилактик тадбирлар ўтказилган.

**6. Ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципини шакллантириш мақсадида ўтказилган профилактик тадбирлар ва мазкур соҳада малака ошириш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилди:**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган Дастурга мувофиқ Вазирликнинг “Коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” талаблари асосида тушунтириш-профилактик тадбирлари ўтказилди.

Вазирлик ходимларига коррупция тушунчаси, мазкур соҳадаги қонунчилик талаблари, коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни етказиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини доимий равища юксалтириш мақсадида жорий йилнинг 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходимлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида Вазирлик биносида семинар ўтказилган.

Ҳисобот даврида Вазирлик ва 15 та тизим корхоналари ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида Ички назорат бўлинмалари ходимлари томонидан жами **118 та** тушунтириш-профилактик тадбирлари амалга оширилди.

**7. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида қўйидаги ишлар амалга оширилди:**

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги расмий сайтида учта (ўзбек, инглиз, рус) тилларида коррупцияга қарши курашиш саҳифаси очилган ва бу йўналишдаги ички меъёрий ҳужжатлар жойлаштирилган ҳамда тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий ёритиб борилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида тизим корхоналари томонидан оммавий ахборот воситалари ва расмий веб-сайтлари орқали жами **159 та** соҳага оид материаллар жойлаштирилган.

Хусусан, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги 11 та, “Олмалиқ КМК” АЖ – 6 та, “Навоий КМК” – 16 та, “Ўзметкомбинат” АЖ – 26 та, “Ўзбеккўмир” – 16 та, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети – 30 та, Геология фанлар университети – 12 та, “Ўзбекгидрогеология” ДМ – 10 та, “Ўзбекгеофизика” АЖ – 8 та, “Ер қаъридан фойдланиш маркази” ва “Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти” ДМлари ҳар бири 7 тадан, “Ўзбек геология қидирув” “Шарғункўмир” АЖлари 2 тадан, “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” ДМ – 3 та, “Навоийурен” ДК ва “Минерал ресурслар институти” ДМ 1 тадан материалларни жойлаштирган.

Бунддан ташқари, 2024 йил 9 март куни “Халқ сўзи” газетасининг 51-сони, 3-саҳифасида Кон-геология вазири Б. Исламовнинг “Аниқ мақсад, пухта

режалар ва фаол инвестиция сиёсати” мавзусидаги мақоласида соҳада коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги маълумотлари чоп этилган.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш соҳасида баннерлар, кўргазмали стендлар тайёрланди. Уларни оммалаштириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ахборот материаллари ва ишонч телефоны ва электрон почта түғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2024 йилга мўлжалланган Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чоракда ҳисобот тайёрланиб, “E-anticor.uz” платформаси орқали Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда ёзма равишда Ҳисоб Палатасига юборилмоқда.

**8. Тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида қўйидаги вазифаларни белгилаб олинди:**

Вазирлик ва тизимдаги корхоналарда аниқланган коррупциоген омилларни инобатга олган ҳолда, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, оқибатларини, шунингдек, ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ягона ахборот тизимлари фойдаланган ҳолда давлат харидлари билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиб бориш, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини шакиллантириш ва ҳар чоракда янгилаб бориш;

Вазирлик ходимлари томонидан ички тартиб қоидаларга, шу жумладан, “Одоб-ахлоқ кодекси” талабларига риоя этилишини ўрганиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича тизимли таҳлил ўтказиш;

соҳага оид ички меъёрий хужжатларни татбиқ этиш ҳамда тармоқ корхоналардаги комплаенс хизмати ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

коррупцияга тааллуқли мурожаатларнинг адолатли ва холис қўриб чиқилишини таъминлаш, мазкур соҳада ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳар чоракда баҳолаш ва аниқланган ҳолатлар асосида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиши.